



# БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРГА МАТЕМАТИКА ФАНИДАН

## ЎҚУВ КОНТЕНТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Гадаева Тамана Нарзуллаевна

Жиззах шахри 22-kimyo, biologiya fanlariga ixtisoslashtirilgan  
umumiyl o'rta ta'lim maktabi

**Аннотация.** Ушбу ишда бошлангич синф ўқувчилари учун математика фанини кўйтиш жараёни, унинг ўқув контентиниши ташкил этиш масаласига катта эътибор берилган. Янги ахборот технология дастурий восита ва унинг имкониятлари ҳақида маълумот келтирилган.

**Калит сўзлар:** ўқув жараёни, шакл, бурчак, ахборот технологиялар, ўқув контент.

**Аннотация.** В данной работе большое внимание удалено вопросу о процессе составления учебника по математике для учащихся начальных классов, организации его учебного содержания. Представлена информация о новом информационном технологическом программном средстве и его возможностях.

**Ключевые слова:** учебный процесс, форма, угол, информационные технологии, учебное содержание.

**Abstract.** In this work, great attention was paid to the question of the process of teaching mathematics for elementary students, the organization of its educational content. The new information technology is presented information about the software tool and its capabilities.

**Keywords:** educational process, form, angle, information technology, educational content.

Жамиятнинг келажагини таъминлайдиган ва шакллантирадиган ўсиб келаётган ёш авлодни билимли, ўзининг Ватанини сквадиган ва миллий қадриятларни ҳурмат қиласидиган, меҳнаташ ва жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш энг муҳим масалалардан биридир.

Мактаб ўқувчиларининг билими ва қўникмаларини шакллантириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўқитувчи



касби нуфузини ва педагогларнинг сифат таркибини ошириш, дарсликлар ва ўқув методик мажмуаларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, мактаб таълими муассасаларининг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий моделларини барпо этиш мақсадида, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид [давлат дастурига](#) мувофиқ:

1. 2022 — 2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастур (кейинги ўринларда — Ривожлантириш дастури) [1-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансан.
2. Қўйидагилар Ривожлантириш дастурининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мактаб таълимига илғор халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Миллий ўқув дастурини тўлақонли жорий этиш ҳамда маҳаллий ва хорижий муаллифлар томонидан яратилган замонавий дарсликларни амалиётта киритиш;

жамиятда ўқитувчи касби нуфузини ошириш, педагоглар учун қулай ижтимоий шароитлар яратиш ва меҳнатини муносиб рағбатлантириш;

ўқитувчиларнинг ёшларга таълим ва тарбия беришдаги масъулиятини, доимий касбий ривожланишдаги талабчанлигини ошириш;

умумий ўрта таълим муассасалари учун миллий кадрлар захирасини шакллантириш, илғор мактаб директори ва намунали ўқитувчи мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида раҳбар ва педагог кадрлар фаолиятини баҳолаб бориш;

ўқитувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни касбларга йўналтириш тизимини такомиллаштириш;

дарслик ва уларнинг мазмунига айнан шу ерда қайд этилган:

Миллий дастур. 1-иловаси. 6-банди. Ўқитувчиларнинг илғор тажрибаси ва фаолиятида қўллаган замонавий методикаларни оммалаштириш.

Бунда қўйидагилар назарда тутилган:


1. Илғор тажрибага эга бўлган ва фаолиятида замонавий методикаларни қўллайдиган ўқитувчиларни аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш ва халқ таълими вазири буйруғи билан тасдиқлаш.



2. Илғор тажрибага эга бўлган ва фаолиятида замонавий методикаларни қўллайдиган ўқитувчилар рўйхатини шакллантириш.
3. Ўқитувчиларнинг илғор тажрибаси ва замонавий методикаларини оммалаштириш.

Ушбу ишда бошланғич синф ўқувчиларга математика фанининг ўкув контентинини тушунтириш мисрлларига эътибор қаратсак.

Инсоннинг хотираси энг катта ҳажмда айнан шаклли маълумотлар орқали эслаб қолиши осондир. Шунинг учун биз мантиқий фикрлашнинг биринчи босқичи сифатида шаклларни таниб олиш машқи кўриб чиқамиз.




1-расм. Айлана шаклларни ажратинг

Келтирилган тасвирили маълумотлардан мактаб ўқувчиларда шаклларни билан ишлаш, уларнинг шаклини эслаб қолиш ва тасаввурига сақлаш мақсадида даврий қайтарилиши мақсадга мувофик бўларди.

Кўшимча манбаларни ўрганиш учун мустақил турли шакллардаги манбаларни ўрганиш, уларнинг қўлланиш усуллари ва ясалган манбалар тўғрисида маълумотга эга бўлишга имконият яратилади.


Кейинги қадам бурчаклар ва уларни таснифлаш, умумий кўриниши ва амалий қўлланилиши тўғрисида маълумотга эга бўлиш масаласи белгиланган.



2-расм. Тўғри бурчакни топинг.



Расмда келтирилган 8 та турли ҳил бурчакларнинг орасида айтилган жавобни топиш, кейинроқ эса бошқа турдаги бурчакларни аниқлаш ва уларни тасаввурида акс эттирилишига катта аҳамиятга эга. Инсон атрифидаги бино-иншоатларни ва буюмларнинг биринчи навбатда уларнинг бурчаклар орқали баҳолайди.



3-расм. 1-синф ўқувчилар учун Математика электрон дарслиги



4-расм. 1-синф Математика электрон дарслик мундарижаси

Ушбу дарслик ўзбек тилида бўлиб шқув материал жуда содда ва осонгина тушунадиган шаклда берилган. Ўқув контент изчил шакллантирилган ва талаффуз нуқтаи назардан ҳам жуда яхши тайёрланган.

Дастур ишлаши ҳам жуда осонгина ва техник нуқтаи назардан деярли муаммосиз тайёрланган. Дизайн ва унинг талқини бироз янгича қарашларга фикрлар мавжудлиги ва қайта ишланиши амалга оширилса яхши бўларди.

Хулоса шуки, дунени таққослаш ва уни ўрганиш учун математика фанининг асосларини яхши тушуниш, амалда қўллаш имкониятидан кенг фойдаланиш бошқа фанлардан яхши ўзлаштиришна туртки бўлади.



## Фойдаланилган манбалар

1. <https://lex.uz/docs/6008663>

2. S.Burxonov, O'.Xudoyrov, Q.Norqulova, N.Ruzkilova, L.Goibova.

MATEMATIKA. Umumiy o'rta ta'lif maktablarining 3-sinfi uchun darslik. - Toshkent : «SHARQ», 2019.

3. N.U.Bikbayeva, E.Yangabayeva, K.M.Girfanova. MATEMATIKA. Umumiy o'rta ta'lif maktablarining 4-sinfi uchun darslik.-Toshkent : „O'qitvchi“, 2017

4. Кирйигитов Б.А., Носирова М.К., Носиров О.К. Бошланғич синфларда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш аҳамияти /“Ilm-fan va ta'lifda innovatsion yondashuvlar, muammolar, taklifvayechimlar” mavzusidai 8-sonli Respublika ilmiy-onlayn konferesiysi. Farg'onan. 2021. 2 qism. 15-17-betlar.

5. Кирйигитов Б. Таълим жараенида мультимедия технологияларидан фойдаланиш /“Таълим жараенига ахборот коммуникация технологияларини тадбик қилиш муаммолари” мавзусидаги республика илмий ава илмий-техник анжумани материаллари тўплами. Андижон, 2017 й. 24 апрель. 2-қисм. 296-298-бетлар.